

# Туман ҳокими З.Давлатовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 августдаги “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманини комплекс ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 517-сонли қарори ижроси юзасидан АХБОРОТИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар, йиғилиш иштирокчилари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 12 августдаги “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 517-сонли қарор қабул қилиниб, туманда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш бўйича туманда тегишли чора-тадбир режаси ишлаб чиқилди ҳамда тизимли равишда ишлар амалга ошириб борилмоқда.

2021-2023-йилларда Сурхондарё вилояти Шеробод туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида **жами 375** та объект бўйича **2** трлн. **832** млрд. **129** млн. сўм пул маблағи сарфланиши белгиланган. Жумладан;

**Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги** соҳаларини ривожлантиришга шундан; саноат соҳасига **21** та лойиҳага **2** трлн. **278** млрд.

**033** млн. сўм; хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига **23** та лойиҳа **44** млрд **300** млн сўм; қишлоқ хўжалиги соҳаларига **13** лойиҳага **50** млрд **230** млн сўм пул маблағлари **жами 57** та лойиҳаларга **2** трлн **372** млрд **563** млн сўм пул маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

**Шунингдек; Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш,** кўп квартирали уйлар ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштиришга, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича

**64** та лойиҳага **61** млрд **062** млн сўм; электр энергияси таъминоти соҳасига **83** та лойиҳага **16** млрд **345** млн сўм; газ таъминоти соҳасига **9** та лойиҳага **5** млрд **872** млн сўм; ер ости бойликлари заҳиралари бўйича **9** та; ер ости сув заҳиралари бўйича **1** та лойиҳа, ичимлик ва оқова сув таъминоти соҳасига **12** та лойиҳага

**138** млрд **491** млн сўм; ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилашга **8** та лойиҳага **30** млрд **382** млн сўм; **жами 186** та лойиҳага **252** млрд **152** млн сўм пул маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

**Бундан ташқари; ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳаси учун** жумладан мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантиришга оид **69** та лойиҳаларга **27** млрд. **427** млн. сўм; умумтаълим мактабларини қуриш ва реконструкция қилишга **10** та лойиҳаларга **32** млрд. **074** млн. сўм; соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантиришга **5** та лойиҳага **8** млрд **850** млн. сўм **жами: 84** та лойиҳага **68** млрд. **351** млн. сўм пул маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

Ҳисобот даврида **саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида** умумий қиймати **135,7** млрд. сўмлик **48** та лойиҳалар амалга оширилиб, мазкур лойиҳалар бўйича туманда **324** та янги иш ўринлари яратилган.

**Жумладан:**

- **саноат** соҳасида қиймати **78,7** млрд сўмлик **17** та лойиҳа ишга туширилиб – яратилган янги иш ўрни **151** та;

- **хизмат кўрсатиш** соҳасида қиймати **25,2** млрд сўмлик **19** та лойиҳа ишга туширилиб – яратилган янги иш ўрни **106** та;

- **қишлоқ хўжалиги** соҳасида қиймати **31,8** млрд сўмлик **12** та лойиҳа ишга туширилиб – яратилган янги иш ўрни **67** тани ташкил этмоқда.

**Бундан ташқари; Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш соҳаси бўйича:**

Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда **50 та** объектларда қиймати **18,1 млрд сўм**лик **167 км** йўллар таъмирланди. Ичимлик сув таъминоти яхшилаш ва тармоқларини реконструкция қилишда **36,6 млрд сўм**лик **10 та** объектларда **241,1 км** ичимлик сув тармоқлари тортилди.

Шунингдек, туманда электр энергия тармоқларини яхшилаш бўйича **35 та** объектларда қиймати **3,6 млрд сўм**лик **15 та** трансформаторлар ўрнатилган ҳамда **19,3 км** электр линиялари тортилди.

Туманда табиий газ тармоқларини яхшилаш бўйича **4 та** объектларда қиймати **4,1 млрд сўм** миқдоридаги қийматга эга бўлган иш хажми бажарилди.

### **Жумладан:**

- қиймати **28 млн. сўм**лик **1 км.** табиий газ тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари якунланди. (*"Қўрғон" МФЙдаги 1 км табиий газ тармоқлари жорий таъмирланди*)

- қиймати **4,1 млрд сўм**лик **4007 та** хонадонга замонавий газ ҳисоблаш асбобларини олиб келиниб ўрнатилди.

### **Ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида**

Мактабгача таълим ташкилотлари бўйича қиймати 5,6 млрд. сўмлик 36 та лойиҳа асосида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилиб, жиҳозлар билан таъминланди.

**8 та** умумтаълим мактабларида **17,5 млрд** сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилган. (*14 ва 40-сонли мактабларда 480 ўринли янги бино, 40-17-9-32-сонли мактабларда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилган*)

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 85-сонли оилавий поликлиникасида қиймати **2.5 млрд** сўмлик реконструкция қилиш ишлари тўлиқ якунланди.

2022 йилда Шеробод туманида аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромад манбаини яратиш бўйича бугунги кунда **1565,0 млн сўм** маблағ эвазига **1954 та** фуқароларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, касб-ҳунарга ўқитиш, ижара асосида асбоб-ускуна бериш орқали бандлиги таъминланишига эришилди.

Мазкур қарорнинг **7 банди** ижроси юзасидан Шеробод туманидаги ишсиз ёшлар, хотин-қизлар ҳамда ўзининг касбий малакасини оширмақчи (янги касб

эгалламоқчи) бўлган фуқаролар учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш бўйича **747 нафар ишсиз аёллар ва ёшлар** касб-ҳунарга ўқитилди. Бундан ташқари:

- Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш ҳисобига - **1120 та**;
- Кооператив бирлашмаларни ташкил этиш ҳисобига - **23 та**;
- Шахсий томорқани ривожлантириш эвазига - **41 та**;
- Тадбиркорликни ривожлантириш эвазига - **19 та**;
- Асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини ҳарид қилиш орқали ўзини-ўзи банд қилиш эвазига **4 та** янги иш ўринлари яратилди.

### **Ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилаш соҳасида:**

Мазкур қарорнинг **8-банди** ижроси юзасидан 2021-2022 йиллар давомида **323 гектар** аҳоли томорқаларида анорзорлар ташкил этилди ҳамда **18 та** вертикал суғориш қудуқларини қазиш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда “Таллашқон” маҳалла фуқаролар йиғинида 5 та, “Ойинли” маҳалла фуқаролар йиғинида 1 та, “Учёғоч” маҳалла фуқаролар йиғинида 4 та, “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида 4 та, “Каттабоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида 4 та **жами 18 та** вертикал суғориш қудуқлари қазиб фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, **14-банд** ижроси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги «Чорбоғ» маҳалласи ҳудудидаги 2000 гектар яйлов ерларни ўзлаштириш орқали томчилатиб суғориладиган индустриал интенсив боғлар ташкил этиш бўйича ушбу ҳудудда **1 млрд 440** млн сўмлик маблағ сарфланиши эвазига **12 та** томчилатиб суғориш иншооти комплекслари қурилиб фойдаланишга топширилди.

### **2022 йилда бажарилаётган лойиҳалар:**

Юқорида айтиб ўтилганидек ушбу қарор 2021-2023 йилларда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, муддати келмаган ва ишлар давом этаётган лойиҳалар ҳам мавжуд

### **Жумладан:**

**саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида** умумий қиймати **7,5 млрд** сўмга тенг бўлган **3 та** лойиҳалар амалга оширилмоқда, бунинг натижасида **70 та** янги иш ўринлари яратилади.

### **Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш йўналишида:**

Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича **10 та** объектларда **1,9 млрд сўмлик 26 км** йўлларни таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

### **Ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилаш:**

Туманда **1,4 млрд** сўмлик ирригация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Туманда **9,6 млрд** сўмлик мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш давом эттирилмоқда ҳамда ушбу ишлар ҳам белгиланган муддатларда амалга оширилиши таъминланади.

**Ҳурматли сессия иштирокчилари, бажарилган ишлар билан бир қаторда мазкур қарорнинг баъзи бандлари бугунги кунга қадар бажарилмасдан келинмоқда.**

### **Бажарилмаган лойиҳалар:**

**Жами 45,5 млрд сўмлик 22 та лойиҳалар амалга оширилмаган.**

#### **Шундан:**

**саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари**да умумий қиймати **32,7 млрд** сўмга тенг бўлган **6 та** лойиҳалар амалга оширилмаган

#### **Жумладан:**

##### **Саноат соҳалари йўналиши бўйича**

-“**Алибек саховат файз**” хусусий корхонаси томонидан темир бетон маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

-“**Сурхон ёғ инвест**” МЧЖ шифер ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- “**Шеробод сабзаёт кўкат кластери**” МЧЖ пластмасс маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- “**Fabullo story servis**” МЧЖ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этишишлар амалга оширилмасдан қолган.

##### **Хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича**

- “**Абдурашид Олмос барака**” МЧЖ спорт соғломлаштириш марказини ташкил этиш;

“**Доктор аветцена**” ХК замонавий тиббий хизматини ташкил этиш ишларини амалга оширмаган.

**Сабаби:** Мазкур лойихалар истиқболсиз деб топилиб тижорат банклари томонидан кредит ажратилмаган.

**Йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 2 та объектларда қиймати 103 млн сўмлик ишлар бажарилмаган.**

**Сабаби:** Масъул ижрочи Автомобиль йўллар бошқармаси, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан “Катта ҳаёт” ва “Вандоб” маҳаллалари ички йўллари, лойиҳа ва экспертиза ишлари қилинмаганлиги ва молиялаштирилмаганлиги натижасида белгиланган лойиҳалар бажарилмади.

**Туманда электр энергия тармоқларини яхшилаш бўйича 9 та объектларда 3,1 млрд сўмлик, шундан 2 та трансформатор ва 23 км ҳаво электр узатиш йўлларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмаган.**

**Сабаби:** Масъул ижрочи “Худудий Электр тармоқлари” АЖ томонидан маблағ ажратилмаганлиги сабабли ушбу объектлар 2021 йилда якунланмай қолмоқда.

Мазкур қарорнинг **10-банди** ижроси юзасидан «Вандоб» маҳалласида амалга оширилаётган цемент ишлаб чиқариш лойиҳаларини электр энергияси билан таъминлаш ҳамда “Чорбоғ” ва “Вандоб” маҳалла ҳудудида тушадиган саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини электр энергия билан таъминлаш учун 220 кв.ли электр узатиш тармоғи ва 220 кв.ли подстанция қуриш учун талаб этиладиган **200,0** млрд. сўм маблағни Республика бюджетидан ажратилишида амалий ёрдам сўралган.

*(Энергетика вазирлиги (Султанов), “Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (Мустафоев), Ўзтрансгаз” АЖ(Саидов), “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов)*

**Ер қари бойликлари захиралари бўйича 800,0 млн сўмлик 3 та лойиҳа амалга оширилмаган.**

**Туманда 1 та мактабгача таълим ташкилотларини қиймати 1,3 млрд сўм, 60 ўринли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилмаган ва жиҳозлар билан таъминланмаган.**

**Сабаби:** Масъул ижрочи вилоят молия бошқармаси томонидан субсидия ажратилмаган

**Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли қиймати 350 млн.сўмлик** Тез ёрдам бўлимнинг тез ёрдам автотранспортлари учун махсус бино қуриш ишлари амалга оширилмаган

## **Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари,**

Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда дастурда назарда тутилган тадбирлар халқ депутатлари туман Кенгашида муҳокама қилиниши белгиланган.

Белгилаб олинган ишларни бажаришда Сизларнинг, бевосита ёрдамларингиз, яъни жамоатчилик назоратини тизимли ташкил этиш орқали, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича таклифларингиз асосида чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

**Этиборларингиз учун катта раҳмат!**